УзССР Давлат архиви
Ўзбекистон ССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 174 (8. 116) ◆ 1992 йил ◆ 4 сентябрь, жума ◆ Нархи 2 сўм.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Олий ҳазратлари!

Мустақиллик куни байрами муносабати билан сизга, сиз орқали Ўзбекистон давлати ва халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман. Сизга энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Шу муносабат билан айтмоқчиманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни бошқа аъзо давлатлар каби қўллаб-қувватлайди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни давом эттираверади, деб умид билдиради.

Жаҳон халқлари дунёда тинчлик, хотиржамлик, адолат барқарор бўлишини жуда хоҳлайдилар ва буни талаб қиладилар. Бундай осойишталикни сақлашга ташкилотимиз бор кучини сарфламоқда.

Олий ҳазрат, марҳамат қилиб, менинг юксак ишончимни қабул этсангиз.

Бутрос ГАЛИ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва сиз орқали қардош ўзбек халқини Украина халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Мустақил деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги билан самимий қутлайман. Мамлакат туб ўзгартишлар йўлига, теран ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, демократик жамият барпо этиш йўлига қатъий ўтган кунга бир йил тўлди. Ҳукуматингиз ва халқингизнинг гуллаб-яшнаган замонавий давлатни барпо этиш йўлидаги куч-ғайратларини биз Украинада самимий хайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз. Ҳозир Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг ғоят муҳим бурилиш босқичини бошидан кечирмоқда. Ишончим комилки, давлатлараро муносабатларнинг негизлари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим яқинда имзоланганидан кейин дўст давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиб, тараққиёт ва демократия йўлидаги алоқаларимиз истиқболларини умидбахшлик била баҳолашга асос бўлади. Сизни мустақиллик эълон қилинганлигининг бир йиллиги билан қутлаймиз, қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Эҳтиром-билан,

Украина Президенти Леонид КРАВЧУК.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИНИМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Сизни ва сиз орқали Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги билан шахсан ўз номимдан ва турк халқи номидан табриклайман.

Ҳақли равишда тарихда ўзига муносиб ўринни олиб турган мустақил Ўзбекистон сизнинг раҳбарлигингизда замонавий демократия қоидалари негизида ўз мустақиллигини тағин ҳам мустаҳкамлашига ишончим комил.

Сиз жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омон-эсонлик тилайман.

Турғут УЗОЛ,
Туркия Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг бир йиллиги кунида самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Эстон халқи Ўзбекистон халқи танлаб олган йўлнинг тўғрилигига ишонади, сизнинг ёш ва мустақил давлатингиз ютуқларидан астойдил хурсанд давлатингиз бўлмоқда. Эстония ҳукумати ўтган бир йил халқларимиз ўртасидаги икки юз йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ажойиб дўстлик анъаналарининг мустаҳкамлигини тасдиқлаганини мамнуният билан таъкидлайди. Бу анъаналар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги шаклларида мустаҳкамланмоқда ва камолга етмоқда. Дўстлик, ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик бундан буён ҳам мустақил Эстония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Ўзбекистон Республикаси халқига чин қалбдан тинчлик ва фаровонлик, шахсан сизга— сиҳат-саломатлик ва халқ бахт-саодати йўлидаги фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Эстония Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Арнольд РЮЙТЕЛЬ.

БАЙРАМНИ янги уйда нишонлаш айниқса гаштли бўлса керак. Хўш, Мустақиллик кунларида бундай қувончга шаҳримиздаги қанча оила мушарраф бўлди? Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасидан хабар қилишларича бундай бахт таҳминий ҳисоб-китобларга кўра 700 оилага кулиб боқди. Ана буни ҳақиқий байрам совғаси деса бўлади. Унинг бунёдкорларига беихтиёр тасаннолар айтгинг келади. Шу ўринда ҳовли тўйлари ўтган бу уйлар қаерда жойлашган, деган савол туғилиши табиий. Унга жавоб тариқасида келинг, яхшиси, ўша иморатлар қад кўтарган масканларни бир-бир кезиб чиқайлик.

Чилонзорнинг 24-мавзеида бир йўла иккита тўққиз қаватли уй қад кўтарди. Уни 1-уйсозлик комбинати бунёдкорлари тиклашди.

— Аслида бу уйлар сентябрь ойи охирларида фойдаланишга топширилиши мўлжалланганди, — дейди қурувчи Адҳам Каримов.

— Лекин бунёдкорлар уни Мустақиллик байрамига битказишга жазм этишди. Шунга яраша тинимсиз меҳнат қилдик. Қурилиш нуқтасида куну-тун қолиб кетган пайтларимиз ҳам бўлди. Материалларни ўз муддатида етказиб келтиришга ҳаракат қилдик. Бу хусусда анча қийинчиликлар ҳам бўлди. Албатта ҳар бир иш осонликча битмаслиги табиий. Хуллас, чидам ва тоқат билан ишладик. Мана бугун меҳнатимиз самарасини кўриб хурсанд бўлиб ўтирибмиз.

Чилонзорнинг 31-мавзеига қоқ тушлик пайтида етиб келдик. Бу ерда бунёд этилаётган 48 ва 32-хонали ҳар иккала уйда иш қизғин эди. Қурувчилар тушликни чала ярим қилиб яна меҳнат қучоғига шўнғишганди. «Шундай қилмасак уйларни байрамгача топширолмай қоламиз. Лабзсизлик эса биз учун ёт нарса», дейишади улар. 4-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси азаматлари тер тўкаётган ушбу бинода охирги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

— Ҳадемай бу ерга уй эгалари кўчиб келишади, — дея тушунтиришади бизга қурувчилар.

— Кўриб турибсизки вақт тиғиз. Қолган-кутган ишларни шу муддат ичида бажариб улгуришимиз керак. Шаҳримизнинг «Госпиталь» даҳасида эса 4-трестнинг 3-қурилиш бошқармаси азаматлари меҳнат қилишди. Улар 16 оилага мўлжалланган уйни байрам совғаси сифатида эгаларига топширишди.

«Белтепа» даҳасининг чиройи ҳам бугун ўзгача. Шу яқин икки йил ичида у шу қадар ўзгариб кетдики, дафъатан бу ерга келган одам даҳа атрофини қуршаб олган осмонўпар иморатларни кўриб ҳайрон қолади. Уйсозлар бу ерда бир йўла иккита уйни фойдаланишга топширишга жазм этишди. Бу 35 оила янги уйга кўчиб киради деган сўздир.

Сергели — 5 ва 6 даҳаларида ҳам бинокорлик ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. 144 ва 108 оилага мўлжалланган уйларга кўчиб кираётган бахтиёрлар ўзларига шундай кўркам бинони қуриб берган 1-уйсозлик комбинати азаматларига чин дилдан раҳмат айтишмоқда.

Чизель даҳасида ҳам 90 оила янги уйли бўлди.

Янги уйларнинг калитларини олган оилалар ўз яқинлари билан кошона уйлар тўрига ёзилган дастурхон атрофида уй тўйларини ўтказишди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

«Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда корхонада ана шу маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда бирлашманинг 6-цехида 7 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келаётган Роза Мамлиеванинг ҳам ҳиссаси бор албатта. Нимага деганда у ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини ҳамма вақт кузатиб боради.

Андрей Пишненко суратн.

* *Уй муборак!*

Калитлар шодаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ДАВЛАТ «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» КОРПОРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика маҳаллий саноатини бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, халқ истеъмол моллари, халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш, шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш, шунингдек аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий саноат вазирлиги тугатилсин.

Давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини ташкил этиш тўғрисида маҳаллий саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси барча мулкчилик шаклидаги саноат, қурилиш, савдо, лойиҳа-конструкторлик корхоналари ҳамда маҳаллий саноатга қарашли бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ёпиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятидан иборат ихтиёрий бирлашмасидир ва у юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиб, амалдаги қонунлар асосида ташкил қилинади ва иш олиб боради.

2. Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг шу бирлашмани давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси таркибига кирувчи республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо концернига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши, вилоятларнинг ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий саноат вазирлигини, вилоят маҳаллий саноат бошқармаларини тугатсинлар, тегишли ҳудудда жойлашган маҳаллий саноат корхоналари ва ташкилотларига республика ҳамда вилоят саноат-савдо концернларини ташкил қилишда ёрдам берсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, «Маҳаллий саноат» корпорациясининг таркибий бўлинмалари бўлмиш ҳудудий саноат-савдо концернлари ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисоб берадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси 10 кун муддат ичида давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 сентябрь.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси ўринбосари жаноб Фаҳми Ишиклер бошлиқ Туркия парламент делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи якунланди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилиндилар, қатор вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари, бошқа раҳбарлари билан мулоқотда бўлдилар. Меҳмонлар республикамизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, корхона ва ташкилотларни бориб кўрдилар.

● Республика акушерлик ва гинекология институтида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этиш муаммоларига бағишланган, тиббиёт ходимларининг Ўзбекистон—Япония симпозиуми ўз ишини якунлади. Узаро келишувга мувофиқ шу йил октябрь ойида Японияда шу мавзуда иккинчи анжуман бўлиб ўтади.

● Ўзбекистоннинг атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги муносабати билан унинг номида жамғарма ташкил этилди. Жамғарманинг банк ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар операция бошқармаси ҳисоб-китоб марказида. Рақами: 000700825, код рақами: 172682116.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги Кобулдаги Россия ва бошқа чет давлатлар ваколатхона ходимларини Афғонистондан олиб чиқишда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги, республика, хусусан Сурхондарё идоралари томонидан кўрсатилган ёрдам ва кўмак учун Россия ҳукумати номидан Ўзбекистонга чуқур мамнуният изҳор этди.

● Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Галининг Россияга расмий ташрифи бошланади.

● Москвада Россия воситачилигида Грузия билан Абхазия раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида Абхазияда 5 сентябрдан эътиборан ўт очишни тўхтатишга келишилди.

● Бугун Тожикистон Олий Кенгашининг шошилинч сессияси иш бошлаши керак. Унда республикадаги мураккаб сиёсий вазият муҳокама этилиши мўлжалланмоқда. Тожикистон Президенти Раҳмон Набиевнинг мухолифлари сессияда уни истеъфога чиқишини талаб этишни ўзларининг асосий мақсадлари, деб қўйганлар.

● 2 сентябрда Украинада бошланган фуқаро авиацияси учувчилари, инженер-техник ходимлари, темирйўлчилар, шунингдек шахтёрларнинг иш ташлаши тўхтатилди. Республика Президенти Украина бешта эркин касаба уюшмаси раҳбарлари билан олиб борган музокаралари натижасида томонларни қониқтирувчи қарорларга келинди. Бугундан бошлаб республикада самолётлар учиши, поездлар қатнови тикланди, кончилар ҳам ишга киришдилар.

● Кеча Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар мудофаа вазирлари кенгаши ўз ишини бошлади. Унда Ҳамдўстлик стратегик қуролли кучларини биргаликда бошқариш, бошқа мудофаа масалалари муҳокама этиляпти.

● Кеча Москва банкларо валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода АҚШнинг бир доллари 210,5 сўм ҳисобида сотилди.

● Ростовда илк бор 19 магазин ким ошди савдосига қўйилди. Шаҳар марказида жойлашган, дастлабки баҳоси 136,6 минг сўм қилиб белгиланган «Кавказ» магазини пировард натижада 51 миллион сўмга сотилди.

ХОРИЖДА

● Индонезия пойтахти Жакартада Қўшилмаслик ҳаракати давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ўнинчи конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Малайзия ташқи ишлар вазири А. А. Бадави Ўзбекистоннинг бу ҳаракатга аъзо бўлганлигини табриклади. Конференцияда 143 та делегация, шу жумладан Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган мамлакатларнинг 87 делегацияси иштирок этмоқда. Унда курраи заминимизнинг қайноқ нуқталаридаги вазият, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ва бошқа умумбашарий масалалар муҳокама этиляпти. Конференция ўз ишини 6 сентябрда тугаллаши керак.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Тайванга энг замонавий қирувчи—бомбардимончи самолётлар сотишни таъқиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор этди. Энди АҚШнинг «Женерал дайнемикс» компанияси Тайванга тўрт йил мобайнида умумий қиймати 6 миллиард доллар турадиган 150 та жанговар самолёт сотиши мумкин. Хитой Халқ Республикаси Америка маъмурларининг бу қарорига қатъий норозилигини билдирди.

● Польшанинг собиқ бош вазири, 83 ёшли Петр Ярошевич ўз уйида ваҳшийларча ўлдирилиб, осиб қўйилган ҳолда топилди.

● Афғонистоннинг Хиндикуш вилоятидаги кутилмаган сув тошқини оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 600 га яқин киши ҳалок бўлган. Баъзи тахминларга кўра бу табиий офат 3 мингга яқин киши ёстиғини қуритган бўлиши мумкин.

● Собиқ жаҳон чемпионлари Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасидаги учрашувнинг иккинчи ўйини 59-юришда дуранг натижа билан тугади. Роберт Фишер олдинда — 1,5:0,5.

Обуна—93

«ОҚШОМ»НИ МУНТАЗАМ ЎҚИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» газетаси таҳририятига шу кунларда келаётган мактублар ичида муштарийларнинг дил сўзлари изҳор этилган хатлар ҳам анчагина. Шу хатларнинг аксариятида бизнинг муштарийларимиз «ОҚШОМ» ГАЗЕТАСИНИ МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРИШ УЧУН УНГА ОБУНА БЎЛИШ КЕРАКЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАЙДИЛАР. Дарҳақиқат, муштарийларнинг бу гаплари ҳаёт тажрибасидан ўтган фикрлардир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида газета дўконларига вақтли нашрларнинг сонлари ҳам ондасонда чиқмоқда. Лекин газетага обуна бўлиб қўйган кишилар унинг ҳар бир сонидаги мақолаларни мунтазам ўқиб бориш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Шу кунларда «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 1993 йил учун обуна қабул қилинмоқда. Виноларин газетага обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз кўнглингиз тўқ бўлади, чунки келгуси йилда газета дўконларга чекланган миқдорда сотувга чиқарилади. Муштарийларимиз келаси йилда ҳам газета саҳифаларида бир-биридан ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўқиш имконига эга бўладилар. Улар ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган **«Одобнома», «Дам олиш оқшомида», «Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари», «Буюк сиймолар», «Сиз кутган учрашув», «Хориждаги ўзбеклар», «Бир асар тарихи», «Сиҳат-саломатлик», «02: хабарлар, ҳодисалар», «Автоҳаваскор», «Томорқа» ва бошқа шу каби** рукилар остидаги ва келаси йили газета юзини кўрадиган янги рукилар остидаги мақолаларни ўқийдилар. «Оқшом» саҳифаларида ҳафталик ойнаи жаҳон кўрсатувлари дастури, реклама ва тижорат хабарлари, шошилинч эълонлар ҳам мунтазам чоп этилади.

Бир сўз билан айтганда **ЎЗБЕКИСТОНДА АТИГИ УЧ-ТЎРТ НАШРЛАР ҚАТОРИДА ҲАФТАСИГА 5 МАРТАДАН ЧИҚАДИГАН «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИ БУНДАН БУЁН ҲАМ СИЗНИНГ ЭНГ ЯҚИН МАСЛАҲАТГЎЙИНГИЗ, СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.**

Сўзимизни мухтасар этиб обуна нархларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз:

- **Бир йилга — 510 сўм.**
- **6 ойга — 255 сўм.**
- **3 ойга — 127 сўм 50 тийин.**
- **1 ойга — 42 сўм 50 тийин.**

Обунага монелик қилингудек ҳоллар бўлса зудлик билан 33-29-70 рақамли телефонга қўнғироқ қилишни ҳам унутманг.

КЎП НАРСА ЎРГАТАДИ

ШАЙХОНТОҲУР районидаги 42-алоқа бўлимига кейинги вақтларда обуна масаласида келаётган кишилар сони кўпайиб бормоқда.

— Кечагина бир нуроний онахонларимиздан бири «Оқшом» газетасига бир йил учун обуна бўлиб кетдилар. Уларнинг фамилиялари Нурматова, — дейди алоқа бўлими бошлиғи Абдураҳмон Аҳмедов. — Бир-иккита ёшлар ҳазиллашиб у кишига гап қотганди, нима дедилар денг: «Азиз болажонларим, эсингизда бўлсин, нафсини тийган султон бўлур. Худога шукр, оч қолаётганим йўқ. Аммо айнан мана шу «Оқшом»ни ўқиб кўп нарсалардан воқиф бўламан. Ишонмасангиз мана газетанинг янги сони, ўқиб чиқинглар...»

Ўриндиқда ўтирган болалар ҳалиги аёл қолдирган газетани мук тушиб ўқишга киришишди. Ёшлар газетадан кўп нарсани ўқиб-ўрганиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишди ва газетага албатта обуна бўлишга қарор қилишди.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" — 64690
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА
обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64690

п.в. | жойи

(нашр кўрсаткичи)

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилсин	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

* *Ҳабиб Абдуллаевнинг 80 йиллиги олдидан*

НОМИ ДИЛИМИЗДА

⊙ Жамоатчи мухбиримиз Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Шоназар Шоабдураҳмонов билан мулоқотда бўлиб, ундан кўп йиллар республикамиз Фанлар академиясига етакчилик қилган, марҳум Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

— Мен филолог бўлганим учун Ҳабиб Абдуллаевнинг геология соҳасидаги беназир илмий ишлари, кашфиётлари — амалий геология учун жуда муҳим бўлган эндоген руда ҳосил бўлиши ҳақидаги назарияси, петрология ва металлогения масалаларини ҳал қилишда олиб борган тадқиқотлари, олимнинг 7 томлик илмий меросининг таҳлилини фаншунос олимлар ихтиёрига қолдириб, у кишининг бевосита ижтимоий фанларга бўлган муносабати ҳақида тўхталишни истардим.

Етук олим гуманитар фанларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак у республика Фанлар академияси Президенти бўлган вақтида ижтимоий фанлар ривожига алоҳида эътибор берди. Бир мисолни келтирмоқчиман. Унинг ташаббуси билан 1950 йилда 30 илмий ходими бўлган Тил ва адабиёт институти штатлари кескин кўтарилиб, ҳар қандай филологик муаммоларни ҳал қила олишга қодир илмий муассасага айлантирилди.

Ҳабиб Абдуллаев сансалорликни ёқтирмайдиган, чўрткесар раҳбар эди. Бир куни «Русча-ўзбекча луғат»ни таҳлил қилгани учун Александр Боровковга пул тўлаш керак бўлиб қолди. Шу масалани ҳал қилиш учун мутасадди ўртоқларга учрашиб, ҳеч қандай натижа чиқара олмадик. Кейин Ҳабиб Абдуллаевга мурожаат қилдик. Эсимда, у кишининг ҳузурига луғат бўлимининг мудири Зокир Маърупов билан мен кирган эдим. Шунда Ҳабиб Абдуллаев: «Бир қоғознинг кетида иккитанг овора бўлиб юрибсанларми? Домланглар бизнинг мухбир аъзоимиз, пул бермасак ҳам бўлади-ку, лекин хизмат қилгандан кейин ҳақини олсин-да, — дедилар ва чиқиб кетаётганимизда кулиб қўшиб қўйдилар:—хат ёзсаларинг, мендан ҳам салом айтинглар. Ленинградда ўқиётган аспирантлардан ҳам хабардор бўлиб турсинлар».

Ҳабиб Абдуллаев илмий кадрлар, айниқса юқори малакали мутахассислар етиштиришга катта аҳамият берарди. Ўзбекистоннинг истиқболини белгиловчилар мана шулар, деб биларди.

Маъданшунос олим айниқса инсондаги ҳалоллик ва софликни, ишчанлик ва фидойиликни, иймон ва садоқатни ҳурматлар эди. Ўзи шу фазилатларнинг соҳиби тимсолида ҳаммага ўрнак кўрсатарди. Мен ана шундай улуғ инсон билан мулоқотда бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Музаффар ТУРОБОВ.

АЛЛОМАНИНГ ТЎЙИ

МАШҲУР ҳинд олими, кутубхонашуноси Шиали Рамамрат Ранганатан туғилган куннинг 100 йиллиги бутун дунё бўйича кенг нишонланмоқда. Жаҳон маданият тарихига салмоқли илмий ҳисса қўшган бу алломанинг тўйи халқаро ЮНЕСКО қарори билан ҳинд диёрида бу йил шу машҳур олим йили деб эълон қилинди.

Жаҳондаги кўпгина нуфузли университетлар унга фалсафа фанлари доктори деган фахрли унвон берган. Ана шу олий ўқув юртларида илм-фан соҳиби таваллудига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди. Серқуёш республикамизда ҳам бу санани муносиб нишонлаш тадбирлари кўрилмоқда. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоатчилиги айниқса қатор режаларни белгилади.

Олий ўқув юртининг кутубхонашунослик факультети ва унинг кафедраларида олим ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлаб йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бунга тарих фанлари доктори, профессор, таниқли библиограф олима О. Қосимова бош-қош бўлмоқда.

Анвар ОҚИЛОВ.

КАРАМ БАРГИДАН

ОЗИҚ-овқат саноатида кимёвий модда — пектин жуда қўл келади. Айни бир вақтда енгил саноатда ундан ранг-баранг гуллар босишда фойдаланилади.

Шу мақсадда ўзбек олимлари пектин олиш технологиясини янада ривожлантириш йўлида самарали изланмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Бекзод» жамоаси оқ карам баргидан пектин олиш технологиясини ўзлаштирди.

Бундай илмий жараёнларни амалга оширишда Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати институти Москвадаги «Экопек» акционерлик жамияти мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутмоқда.

Мураккаб тадқиқот асосидаги технологияни кенг йўлга қўйиш учун «Гипропищепром-3» институтининг муҳандис-техник ходимлари жамоаси махсус лойиҳа ва сарф-харажат ҳужжатларини тайёрлашга киришди.

Саодат ОБИДОВА.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ЮНУСОБОД районидаги «Қизил деҳқон» маҳалласида янги нонвойхона очилди. Бу ерда кўпгина ёшлар нонвойлик касбини ўргандилар. Шу маҳаллада яшовчи бошқа болалар эса бўш вақтларини бекор ўтказмаслик учун гулчилик, боғдорчилик билан шуғулланишади. Шунингдек, ғишт қуйиш, мол боқишда катталарга ёрдам беришди.

Ҳар бир районда болалар ижодий марказлари ташкил қилинган. Бу жойларда дам олиш кунлари ўқувчилар турли хил ҳунарларни ўрганмоқдалар. Бундай марказлар Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районларида намунали фаолият кўрсатмоқда. Йигит ва қизларда айниқса сандиқсозлик, темирчилик, мусиқа асбоблари ясаш ва кулолчиликка бўлган қизиқиш катта.

ЁШЛАР ҲУНАР ЎРГАНИШАДИ

Ёшларни ана шундай фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали тарбиялаш яхши натижалар бераяпти. Шу боис янги ўқув йилидан бу борада талайгина ишлар режалаштирилган.

— Шу йил март ойида бошқармада илмий анжуман ўтказилди, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бўлим бошлиғи О. Мамасолиев, — Анжуман «Мактаб, оила ва жамият» мавзуида бўлиб, миллий қадриятларимизни тиклаш, илғор халқ педагогикаси ғояларидан фойдаланиб ёшларни тарбиялашга қаратилди. Шу мақсадда мувофиқлаштириш комитетн тузилди.

Комитет аъзолари районлардаги маҳалла комитетларининг раислари, халқ таълими бўлими мудирлари, Ички ишлар бошқармаси ходимлари, намунали оила вакиллари, илғор фикрли корхона ва ташкилот раҳбарлари, олимлар, тажрибали тарбиячилардан иборат. Улар жамоатчиликнинг болалар тарбиясидаги ролини ошириш учун ота-оналар ва милиция ходимлари билан яқиндан иш олиб боришади. Бундан буён ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларида намалар билан шуғулланаётгани назорат остига олинади.

Шуни таъкидлаш керакки, янги ўқув йилидан мактабларда куни узайтирилган синфларга эътиборни кўпроқ қаратиш, турли хил қизиқарли тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш, шанба кунлари одобнома ва чет тилидан мукаммал сабоқ олишни хоҳловчи ўқувчилар учун дарс соатлари ташкил этиш мўлжалланди. Маҳаллалар, уйжой идоралари тасарруфида (бир неча мактаблар, билим юртлари иштирокида) ота-оналар учун тарбиявий ва ҳуқуқий бурч мактабларини очиш кўзланмоқда.

Дилором ИКРОМОВА.

Истиқлол нашъаси. Воҳид Тўраев сурат лавҳаси.

* *Ибратли ҳикоятлар*

УЗОҚ УМР ҲИКМАТИ

УЗОҚ умр кўришни орзу қилмаган ақли расо одам бўлмаса керак. Аммо узоқ яшаш сири катта билимни ҳам, донишмандликни ҳам талаб қилмайди. Одамнинг ботиний дунёси қанча сирли бўлса яшаётган муҳити ҳам шунчалик сирли. Бу сирларни билиш-тушуниш учун фақат озгина билим ва эътибор лозим.

Масалан, электр нури андак камайса телевизорингиз ҳира кўрсата бошлайди, кўпайса лампочкаларга куч келиб куйиши мумкин. Худди шундай баданингиз аъзоларида бирон модда: оқсил, углевод, қант, пигментлар, ферментлар, металлар, тузлар, ёғлар, мочевина каби моддалар етишмаса иштаҳасизлик, лоҳасслик сезасиз. Демак, камини тўлдириш, ортиғини мўътадилликка келтириш шарт экан. Бунга эътибор бермай бепарво бўлсангиз оқибати кўнгилсизлик пайдо қилади — соғломлик нишонаси бўлмиш тановул ва бавул бузилади, томир тортиш, бош айланиш, кўнгил айниш каби безовталиклар келиб чиқади, об-ҳаво ўзгариши билан улар авж олиб, хуруж қилади. Буни врачларгина эмас, ўзингиз ҳам билиб турасиз ва ўзингиз чора-тадбирини топа оласиз. Гапнинг лўндасини айтганда тановул меъёрини билишингиз — қисқаси ейиш учун яшамаслигингиз, балки, яшаш учун тановул қилмоғингиз лозим. Бу ҳол узоқ умр кўрмоқ ҳикматидир.

ТАБАРРУК ОДАМ

ЁМОНЛИКНИ ва ёлғон гапни мутлақо билмайдиган, фақат яхшилик қилиб баҳра оладиган, бойлик, безанишни ўйламайдиган ва ниҳоят охиратни ҳамиша эслаб юрадиган одам табаррук одам ҳисобланади.

МУҚАДДАС КУЧ

ОДАМНИНГ ақл ва ирода кучи муқаддас куч. Бинобарин унга қатъий ишониб иш тутган ҳар бир одам ўз мақсади сари дадил қадам ташлайди ва кўзлаган ниятига албатта етади.

ДОНО КЕЛИН

БИР оиланинг иккита келини бор экан. Келинлар бир-биридан одобли, бир-биридан меҳнаткаш экан. Оиланинг фахри ҳисобланган кекса ота Маҳзуна исмли катта келинни «Доно келиним» деб суйса, Мадина исмли кичик келинини «Содда келиним» деб қўяр экан.

Бу гапдан Мадина ҳайрон бўлар экану, сабабини сўрагани истиҳола қилар экан. Кунларнинг бирида нонуштадан сўнг отанинг кайфияти баланд пайтида Мадина сўрашга журъат этибди:

— Узр, отажон, сиздан бир нарсани сўрасам айбга буюрмайсизми?

— Йўқ, йўқ, бемалол сўрайверинг, содда келиним. «Билмаганни сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», дейди Навоий ҳазратлари. Қулоғим сизда, — дебди ота меҳр билан келинига боқиб.

Келин анча ўнғайсизланиб туриб сўрабди:

— Биламанки, сиз мени ҳам, Маҳзуна опамни ҳам бирдай суясиз, ҳурмат қиласиз. Лекин негадир, Маҳзуна опамни «Доно келиним» десангиз, мени «Содда келиним» деб қўясиз.

— Э, ҳа-а! — дебди ота иссиқ жилмайиб. — Сиз бунинг сабабини билмоқчисиз. Одат бўйича бир ҳафта сиз, бир ҳафта Маҳзунахон тушликка уринасизлар-а!..

— Ҳа, — дебди Мадина.

— Яшанг! Бу гал сизнинг навбатингиз. Тартиб бўйича сиз бугун лағмон қиласиз, эртага Маҳзунахон мастава қилади. Шу икки овқат ўтгандан кейин саволингизга жавоб берсам майлими? — дебди ота.

— Майли, отажон, майли, — дебди Мадина.

Ҳамма дастурхон атрофига йиғилибди. Мадина лағмон келтириб ўтирибди. Ота мурч сўрабди, Мадина дарҳол ўрнидан туриб келтирибди. Сал ўтмай йигитлардан бири туз талаб қилибди. Мадина яна ўрнидан туриб югуриб бориб ошхонадан туздон келтирибди. Шундай қилиб Мадина ҳали унга, ҳали бунга тураверіб иштаҳа билан овқатлана олмабди.

Эртаси куни Маҳзунахоннинг маставаси ичилибди. Мадина овқатлангунча ўн марта туриб безовта бўлган бўлса, Маҳзуна навбатида ҳеч ким, ҳеч нарсага зорықмабди. Чойдан тортиб тузу, зарур мева-чевагача дастурхонда муҳайё бўлганини Мадина пайқаб, отага қараб жилмайганича узр сўрагандек бўлиб бош эгибди...

ҒАЗАБНОКЛАР

БАЗЗОЗ ошнаси билан шакаргуфторлик қилиб ўтирар эди, дўконга роса ясанган, ялтироқ кўйлак, олтин сим тортилган дурралар билан ўта безанган тўла бир аёл кириб келди-да, ширин суҳбатнинг белига тепди:

— Сизда тоза батис борми? — деб сўради аёл салом ўрнига ўсма қўйган энлик қошларини чимириб.

Эркаклар бир-бирларига қараб олишди. Баззоз: «Йўқ эди» деб қўя қолди. Аёл саволни давом этдирди: «Ҳаворанг силон-чи?» Баззоз: «Тугаган эди-я», деди. Аёл яна сўради: «Қизил-чи?»

— Қизили ҳам тугаган. Умуман нимамиз бўлса рўпарангиздаги пештахталарда турибди, синглим, — деди баззоз. — Дўконда сизга ёқадиган газлама йўққа ўхшайди шекилли?

— Шекиллимас, оқ сатиндан олти метр ўлчанг! — деди аёл заҳархандалик билан.

— Хўп бўлади! — деди баззоз сатин ўрамини олиб, ошнасига бир назар ташлаб жилмайганича газлар экан, ичида «ажабо» деб қўйди. Шу дам аёлнинг тажанглиги тутиб кетди:

— Э, гап сотмай тўғри ўлчасангиз-чи, баззоз! Менга шикоят дафтарингизни беринг!

— Аввалом бор, сиз билан орамизда шикоятбоп гап ўтгани йўқ, азизим. Иккинчидан, мен сизнинг азизингиз эмасман, иккинчидан, феълимнинг яхши-ёмонлигини айтиб беринг ҳозир!

Баззознинг суҳбатдоши чидаб туролмади шекилли, гапга аралашди:

— Сиз ўзи қанақанги бемаза ҳотинсиз! Аввало, сиз дўконга мусулмончилик саломини ҳам унутиб серрайиб кириб келдингиз. Узр ҳам сўрамай, одобсизлик билан суҳбатимизни буздингиз, энди тирноқдан кир қидирясиз. Агар сиз менинг ҳотиним бўлганингизда борми...

— Ҳа!.. Агар мен... мен сизнинг ҳотинингиз бўлганимда сиздек эрга заҳар бериб ўлдириб қўярдим, билдингизми!

— Мен эса заҳарлашингизни кутиб ўтирмай ўзимни-ўзим осган бўлардим, билдингизми...

Бундай «хуш» муомалани эшитган баззоз шўрлик бўлса ғазабноклар ҳолатидан ҳангу-манг бўлиб қолди.

АЧИНАСАН КИШИ

РАҲМДИЛ ўткинчи аччиқ йиғлаб ўтирган саккиз ёшлар чамасидаги болакайдан сўради: «Ҳа, чироғим, нега йиғлаяпсан, адашиб қолдингми ёки пул-мулингинг йўқотиб қўйдингми?»

— Дадамларни йўқотиб қўйдим, — деди бола ўзини босолмай.

— Ие, ие, шунга ҳам йиғлайдими-а! Ўзинг уйингни топа оласанми?

— Менку, уйимизни биламан-а, дадамлар тополмай қоладилар-да.

Бу гапни эшитган Раҳмдил завқ билан кулиб юборди.

— Вой, вой, сиз ғалати одам экансиз-ку, амаки, нега куласиз? Ёки мен ёлғон гапиряпманми? — деди фиғони ошган бола.

— Хафа бўлма чироғим, сен рост гапираётганинг билан даданг уйини тополмай қолмайди-ку.

— Тополмай қоладилар-да. Дадам қачон ичсалар ҳар доим адашиб қоладилар. Кейин биз қидириб юрамиз.

— Э-ҳа-а! — деди Раҳмдил одам ачиниб. — Унда мени кечирасан, чироғим. Узр, узр!..

БАХИЛНИНГ ОРЗУСИ

АМИР Темур бир лашкар бошлиғининг хунук нуқсонларини пайқаб, уни синаш учун жангдан сўнг ёнига чорлаб деди:

— Чордор, сени хоҳлаган тилагинг билан тақдирламоқчиман. Аммо шартим бор, шартим шулким, энг ёмон кўрган одаминг номини айтсанг, сени бир ҳиссанг, уни эса сен тилаган нарсанинг икки ҳиссаси билан тақдирлайман. Қани, айт.

Жоҳил, бахил Чордор ўйланиб турибсўрабди:

— Шоҳим, ёмон нарса тиласам-чи?

— Ёмон нарсанинг ҳам икки ҳиссасини ул олур, — дебди шоҳ.

— Унда менинг бир кўзимни, Аҳмаднинг икки кўзини ўйинг!

Шоҳ гумони тўғри чиққанидан киноясли жилмайиб, бош иргабди.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН зиёлилари илмий маърифат уюшмаси, унинг вилоятлар, шаҳарлар, районлардаги ташкилотлари бир қатор илмгоҳлар, муассасалар, ижодкорлар ва санъаткорлар билан ҳамкорликда жойларда турли хил оммавий сиёсий тадбирлар ўтказаяпти.

Ана шундай учрашувлардан бири Тошкент вилоятининг Бўка районидаги «Ачамайли» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Узбекистон халқ депутати Худойберди Абдужабборов етакчилик қилаётган бригада дала шийпонига кўплаб жамоа аъзолари, қишлоқ зиёлилари, район ҳокимлиги ва ташкилотларнинг вакиллари йиғилишди. Улар билан мулоқот қилиш учун пойтахтдан Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифат уюшмасининг президенти, академик Эркин Юсупов бошлиқ бир гуруҳ олиму фозиллар ташриф буюришди.

— Биз Бўка халқини уста пахтакор, миришкор деҳқон, моҳир чорвадор, қўйингки ҳақиқий ва ҳалол меҳнаткаш сифатида кўп йиллардан бери биламиз, — деди Э. Юсупов йиғинни очар экан. — Мана, сизларнинг йил бошидан буён қилаётган меҳнатингиз Мустақиллик байрами арафасида кўзни қувнатувчи, дилни яйратувчи ажойиб самарасини бера бошлабди. Пахта далалари ҳам, ноз-неъматлар ғарқ пишиб ётган пайкаллар ҳам, саховатли боғ-роғлар ҳам гулгун яшнаб турибди. Эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлиши аниқ.

* *Яна бир маърифий юриш*

ОЛИМУ ФОЗИЛЛАР «ЗАФАР» ҚЎРҒОНИДА

Модомики, бу галги учрашув Республикамиз Мустақиллиги мавзуига бағишланган экан олимлар, мутахассислар, ижодкорлар Мустақилликнинг моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга, қадриятларимизга, инсон ҳуқуқларига, Ислом динига, халқимизнинг турмуш тарзига, ахлоқ-одобга, таълим-тарбияга, қўйингки ҳаётимизнинг турли жабҳаларига алоқадор томонлари хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Шу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимиз фаоллари саъй-ҳаракати туфайли республикамизнинг ташқи дунё билан боғлаётган сиёсий, иқтисодий, маданий, амалий алоқалари тобора кенгроқ қулоч ёймоқда. Президентимиз бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияларининг расмий давлат ташрифи билан Туркия, Хитой, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия сингари Шарқ мамлакатларига ташриф буюриб, бир қатор шартномалар, битимлар тузиб қайтгани ўзининг илк самараларини бера бошлади.

Жаҳон афкор оммаси ҳозирги ўтиш давридаги қийин аҳволимизни тушуниб, саховат кўрсатиб, бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Ўзбекистон Мустақиллигини жаҳон мамлакатлари орасида биринчи бўлиб тан олган Туркия бизга 595 миллион доллар кредит ажратган эди. Бу маблағга бир неча миллион тонна буғдой, кўп миқдорда қанд-шакар, дори-дармон сотиб олинмоқда. Бир қатор хорижий мамлакатларнинг йирик корпорациялари, фирмалари, концернлари, ишбилармонлари биз билан тузган шартномаларга мувофиқ республикамизнинг турли ерларида қўшма корхоналар барпо эта бошлашди. Асрлар давомида хом ашё ўлкаси бўлиб келган Ўзбекистонда Мустақиллик шарофати туфайли саноатнинг энг мураккаб тармоқларидан бири бўлган автомобилсозлик ҳам юзага келмоқда.

Учрашув қатнашчилари пойтахтдан ташриф буюрган олимлар ва мутахассисларга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг турли муаммоларига тааллуқли бўлган бир қанча саволлар билан мурожаат қилдилар. Жумладан, Шароф Рашидов хусусида берилган саволларга жавобан академик Эркин Юсупов шуни алоҳида уқтириб ўтдики, Ўзбек халқининг асл фарзанди таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов номининг қайта тикланиб, абадийлаштиришга қарор қилингани ва умуман «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб номланган сохта, асоссиз айбномалар туфайли ноҳақ қораланиб, қамоқхоналарда бир неча йиллар азоб чекиб, ҳатто бир қанчалари ноҳақлик қурбонлари бўлган кўплаб юртдошларимизнинг оқланиши оламшумул воқеа бўлди.

«Ачамайли» жамоа хўжалигининг аъзолари айтилган бу гаплардан, ошкора билдирилган фикр-мулоҳазалардан катта қониқиш ҳосил қилганликларини билдиришди. Айни вақтда улар деҳқоннинг чинакамига меҳнат қилиб, баракали хирмон яратиши, бозорларда тўкинчилик ва арзончиликни вужудга келтириши учун тўсқинлик қилаётган айрим нохуш ҳоллар ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг котибаси, шоира Гулчеҳра Нуруллаева Мустақиллик республикамиз халқига, хусусан, хотин-қизларга қандай қулайликлар, енгилликлар бераётгани хусусида гапириб, янги битилган шеърини ўқиб берди.

Бекобод районидаги «Зафар» қўрғонида ўтказилган мулоқотда эса Шарқшунослик институти директорининг ўринбосари, сўз устаси Баҳриддин Маннонов, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Икромжон Иномов ва бошқалар йиғилганларни сермазмун маърузалар билан хушнуд этишди. Улар ўз сўзларида Ўзбекистоннинг кечаги ва бугунги куни, истиқлол ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар. Шунингдек, давра суҳбатида Бекобод район ҳокимининг ўринбосари Тошмат Ширинов, Мавлонов номли давлат хўжалигининг директори Анвар Назаров, ХДП район кенгашининг котиби Зулқайнар Қодиров, «Зафар» маҳалла комитетининг раиси Бобохон Отахон ўғли сўзга чиқиб, бугунги кундаги долзарб масалалар, Мустақилликнинг аҳамияти, хўжаликлар эришаётган ютуқлар, маънавият одоб-ахлоқ муаммоларини тилга олдилар.

Ўзбекистон зиёлилари илмий маърифат уюшмаси аъзолари, шунингдек, Бўстонлиқ районидаги Товоқсой қўрғонида ҳам бўлишди. Пойтахтлик олимлар, мутахассислар ва ижодкорларнинг Мустақиллик байрами шарофати билан Тошкент вилояти бўйлаб уюштирган беш кунлик сафари барчада катта таассурот қолдирди.

Жўра МЎМИНОВ,
Узбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

* *Ғазалхонлик*

НАВОИЙНИ ЎҚИБ

Мажнун деяр: «Бир умр дардим давоси Лайли,
Ҳар орзу-ю умидим, дил муддаоси Лайли.
Саҳро бўлсин маконим гўзал Лайло туфайли,
Ёхуд фарёд айласам кўнглим навоси Лайли.
Не ҳожатдир бу дунё кўзларимга қоронғу,
Ишқ китобин сархати, сўзи, маъноси Лайли.
Ишқ занжири бўйнимда, телба дерлар эл мени,
Гар топсам ҳоки пойин бўлар фидоси Лайли.
Ишқ карвони элтмаса мени бахту муродга,
Вайронадур, вайрона умрим бинои Лайли».

СИЗ УЧУН

Сиз учун жонимни қурбон айлайин, эй ёрижон,
Ишқингиз қалбим уйида бир умр тутмиш макон.
Кокилингиз чўлганиб ҳўб ақлим олмиш мисли мор,
Дил қуши нола чекар сизга етолмай бағри қон.
Тонг саҳарда долазорга ўтсангиз жилва билан,
Ҳисларим парвоз этар нақ турналардек сиз томон.
Сиз ҳаётим гулшанида бир гули раъно каби,
Қўлда соз, дилда муҳаббат ошиқдирман бегумон.
Ошиқи содиқ Забиҳилло умрбод сизни дер,
Бир оғиз сўз ишшо айланг десангиз қолсин омон.

БОРА-БОРА

Натиҳоб дилда ҳар он бора-бора,
Сабзазор топар ҳазон бора-бора,
Лайлатулқадр мисол ўтди умрим,
Қалбимда кўндир армон бора-бора.
Қанча хешу ақрабо хоки туроб,
Манзилдир ломакон бора-бора.
Бу турфа йўл элтар бир сарой сари,
Ул саройдир бекарвон бора-бора.
Ким ганжина қомусдан эрур маҳрум,
Ул етимдир — безабон бора-бора.
Гар хирадманд эрсанг бил, бир шажара,
Эрур инсон бир жаҳон бора-бора.
Сен Забиҳилло — дўстингдир бул ҳаёт
Чин юракдан айт достон бора-бора.

Забиҳилло НУРУЛЛО.

Тўй-ҳашамларда кутилмаган воқеаларга дуч келади одам. Минг йил кўрмаган одамнигин учратасан, бегона деб юрганинг кутилмаганда қариндош чиқиб қоладн...

Наҳорги ошда нуроний бир отахон билан ҳамдастурхон бўлдим. Бир чўким ош олади, менга икки қарайди. Қараганда ҳам тикилиб-тикилиб қарайди. Уғайсизланаман. Одобсизлик бўлса ҳам сўрашга мажбур бўлдим:

— Мени бировга ўхшатяпсизми, отахон!

— Ҳа, —бош иргади қария, — Маҳкамбой деҳқонга қош-кўзларингиз ўхшаб кетади...

— Тоштўқайдаги Маҳкам бува эмасми! — сўрадим.

— Худди ўша! — хитоб қилди отахон, —кечиринг, сизга у киши ким бўлади!

— Бобом бўладилар.

Чол ош ейишни ҳам йиғиштириб қўйди.

— Кимнинг ўғлисиз!

— Йўлдош отанинг.

— Э, қадрдонимнинг боласи экансиз! — Чол ёғли кўлларн билан бағрига босишга сал қолди. Ошдан кейин отахоннинг қийинқистови билан тўхонада қолдим. Шу кун бобомнинг отаси, яъни бобокалоним Тошмуҳаммад сартарош эканини, Баҳодир домла деган тоғаваччам, Омила, Комила, Ҳамида деган аммаваччаларим борлигини, Эшонқул тоға бувамнинг тоғаси эканини, яна бир тоғайи калонимиз Тўқсонбой тоға Манкентга кетиб, ўша ерда қазо қилганини билиб олдим. Уйга келиб отам раҳматлидан сўровдим, у киши:

— Ҳа-а, Усмон аравакашга йўлиқибсан-да. Одати шунақа, нуқул уруғ-аймоғимни суриштиради. Сен ҳам уруғ-аймоғингни суриштирсанг бўларди, — дедилар.

Шу куни «ибн», «бинни», «абу» деган атамалар нима маъноға эга эканлигини илк бор англаб етган эдим. Биз жуда ҳам кеч ўқиганимиз «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарларн нега ёзилганини, у бизга нима учун зарурлигини англаб етдим.

Яқинда эса бир гап қулоғимга чалиниб қолди. Шайх Зайниддин бобо мақбарасига кўпгина улуғ зотлар қўйилган, у зотнинг авлодлари Тошкентда бор эканлиги ҳақида хабар топдим. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби Омонулла Сайид Файзуллахўжа ўғли Шайх Зайниддин Кўйи Орифон тақсирнинг авлоди эканлигига дастлаб ишонмадим.

— Йўқ, рост, — деди муҳтарам олимимиз телефондаги суҳбатда, — кўришганимизда мен буни исботлаб бераман.

— Бўпти, — дедим севиниб, — дарров етиб бораман.

— Э, бугун бандман, — эътироз билдирди Омонулла ака, — Уробжайная кўчаси бор «Бешинчи квартал» деган жойда. Уша кўчага Эшон Бобохон номи бериляпти. Иштирок этишим керак. Биласиз-а у кишини!..

Хуллас эртасига Омонулла аканинг уйида учрашишга келишиб олдик.

— Домла, дастлаб шажара нима ўзи, шуни билиб олайлик. Газетхонларимизга ҳам шу масала ойдин бўлсин.

— Одамзод уч миллион йилдан бери яшаб келмоқда. Ҳозирги ҳар бир инсоннинг заминдаги аждоди ўша миллионлаб йил илгари яшаган. Аждодлардан авлодларга қайси поғоналар орқали ўтиб келинганлик тарихи шажара деб аталади. Шажарани бир дарахт деб тасаввур қилсак — унинг илдизи ҳам битта бўлади —у шохлаб, улғайиб бораверади. Фақат шажара бир авлоднинг дарахти бўлади.

— Домлажон, шажара тузиш, уни авлодларга мерос қилиб қолдириш нега керак! Кейин сиз республикамиздаги ягона шажарашунос олим саналасиз. Бу иш билан кўпдан бери шуғулланиб келасизми!

— Мен 1921 йилда туғилганман. Ҳозир етмиш бир ёшга кирдим. Эсимни танибманки, шу иш билан шуғулланаман. Бобом Сайид Фатҳуллахўжа пўлат сандиқчамизни очиб, муҳрланган битта қоғозни кўрсатиб қўярдилар. Ҳамма пўлат сандиқда бойлик, мол-мулк сақласа, бобомлар шу шажара тарихини сақлар эканлар.

Шажара тузиш зарур. Пушкиннинг ҳам шажараси бор, Лев Толстойнинг ҳам. Буни қарангки, Пушкиннинг бувиси Лев Толстойнинг бувисининг бувиси билан опа-сингил бўлишган экан. Шажарашунослар бўлмаса буни аниқлаб бўлармиди! Шажаранинг яна бир муҳим томони — унинг тарихимиз билан боғлиқлигидир. Ҳар бир риланинг, авлоднинг шажараси тарихимизнинг бир шингили десам хато қилмаган бўламан. Яна бир диққатга молик жиҳат: шажарангиз аниқ бўлса, ёш авлодларнинг, фарзандларнинг тарбияси учун хизмат қилади. «Сен кимнинг авлоди эканингни унутма!» деган калимада оламча ҳикмат бор. Ўзбекистон тарихида шажаралар бўлган, бор. Лекин улар тасдиқланганидан кейингина ҳужжат сифатида кучга киради. Буни унутмаслик керак.

— Сиз авлодингизнинг 1200 йиллик шажарасини тиклаган экансиз... Бунга қандай қилиб эришдингиз!

— Қисқа қилиб айтсам: чидам ва меҳнат билан. Агар ҳикоя қилиб берсам анча чўзилади.

Бизнинг аждод-авлодларимиз Тошкентнинг Кўкча даҳасида Шайх Зайниддин бобо қабристонининг этакларида яшаб келадилар. Оз эмас, кўп эмас 800 йилдан бери. Энг диққатга сазовор далил: Шайх Зайниддин бободан бошлаб ота-боболаримнинг ҳаммаси шу қабристондан мангу ором топганлар. Қабристонга киравериша Вилоят қабристони деб ёзиб қўйилган. 1939 йили қабристон ёнидаги кўча (ҳозир Маннон Уйғур кўчаси) Вилоят деб аталиши муносабати билан Шайх Зайниддин қабристони «Вилоят» қабристони бўлиб қолди. Бу улуғ зотга ҳурматсизлик, унинг номига қора чизиқ тортишдан бошқа нарса эмас.

— Шайх Зайниддин бобонинг завжан муҳтарамалари ҳақида ҳам маълумот борми сизда!

— Албатта бор! Ул табаррук зотнинг исмлари Дарё Дил Бекач Момо бўлган. Улар ҳаммамизнинг аждодимиздир. Ҳар биримиз юртимизнинг ижтимоий ҳаётида, тарихий ривожидаги мавжуд «занжир»нинг битта халқасимиз, холос.

Гап айланиб келиб яна бобом Сайид Фатхуллохўжа Орифхўжа ўғлининг пўлат сандиқчасига тақалди. Сандиқчада сақланадиган яккаю ягона қоғоз «Алҳамду лиллоҳилази фаззал ал-авлода...» сўзлари билан бошланарди. Бу бизнинг аждод-авлодларнинг шажараси эканлиги изоҳсиз ҳам аён бўлгандир...

Шажаранинг «Наҳмудуҳу ва нусали...» деб бошланадиган яна бирини эса менга марҳум амакиларимиздан Абдуллахўжа ака берганлар. Учинчи шажарамомани эса бир амаким Саййид Салоҳиддин хўжа шоир Алоиддин хўжа ўғлидан кўчириб олган эдим. Яна бири эски «Насаб шажаралари» бўлиб 27 аждод-авлод зикр этилган эди.

— Тўрттала шажаранома мустақилми, домла!

— Йўқ, тўртта ҳужжат умумшажаранинг муайян бир бўлаги, деб қаралса яхши бўларди. Улар бирбирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради.

— Юқорида ҳар бир шажаранинг тасдиғи бўлиши керак дегандингиз. Қўлингиздаги шажараномалар ҳам шундай кучга эга бўлса керак!

— Албатта! Бусиз ҳар қандай ҳужжат ўзининг тасдиқ кучига эга бўлмаган ҳисобланади. Агар сизга батафсил ҳикоя қилиб берсам, биринчи ҳужжат — асосий ҳисобланади. Бунга сабаб унга 13 ҳуқуқи олий мақомларнинг муҳри босилган: 1). Қози Мулло Бой Мирзо бин Мирзо Оғалиқ; 2) Қози Муҳаммад Шариф Хўжа судур бин Подшоҳхўжа Умарий, Хўвал Қодир Шайх Ҳованд Таҳурий; 3) Домла Абдурасул аълам бин Домла Мир Ашур; 4) муҳрни ўқиб бўлмади; 5) Қози Эшон Азизлархўжа бин Эшон хўжам Шайхулислом марҳумн; 6) Мулло Муҳаммад Зоҳир Аълам бин Домла Отажон марҳуми; 7) «Лутф этиб чун бил ани хатосига қалам, ўзи олий харжина бўлди Ҳакимжон Аълам»; 8) Қози Муҳаммад Турди бин Раҳимжон; 9) Қози Исохўжа бин Қози Азизлархўжа; 10) Мулло Орифхўжа Аълам бин Қози Муҳаммад Шарифхўжа судур шин; 11) Аҳмад хўжа муфти бин Қози Маҳмудхўжа; 12) муҳрни ўқиб бўлмади; 13) муҳрни ўқиб бўлмади.

Иккинчи ҳужжатда эса олтита муҳр бор: 1) Мулло Мир Ҳолиқ ибн Мулло Раҳмхон Ҳўқандий; 2) Қози Муҳаммад Азим бин Муҳаммад Ражаб; 3) Қози Муҳаммад Муҳиддинхўжа бин Қози Муҳаммад Аъзамхўжа марҳуми; 4) Ул-Аълам ул хайл Муҳаммад Содиқ; 5) Қози Шоҳ Жўнайд Маҳдум бин Домлажон Охунд марҳуми; 6) Қози Абдирасул хўжа бин Яқубхўжа марҳуми.

Кўряпсизки, барча ёзилганлар ўз замонасининг пешволари томонидан тасдиқ этилган.

— Агарда муборак номи зикр этилган азизларнинг ҳаётн муфассал ўрганиб чиқилса, тарихимизнинг очилмаган қўриқларн, ўқилмаган саҳифаларн тўлдирилардн, ўқилардн. Домлажон, муҳрлардаги сўзларнн ўзингиз ўқидингизми!

— Йўқ, менга бу ишда Турғун Файзиев катта ёрдам берди. Билсангиз керак, у киши эски ҳужжатларни ўқиш бўйича етук мутахассис. Яна шарқшунослик институтининг Қувомиддин Мунировн, Шамсиддин Бобохонов, Ашраф Аҳмедов каби зукко олимлари ҳам кўмакка келишди.

— Шажарангиз кимдан бошланади!

— Шажаранинг боши, яъни дарахтнинг илдизи Сайид Муҳаммад Султон Бакриддин саналади. У киши буюк аллома, алгебранинг отаси Муҳаммад Ал-Хоразмийга замондош бўладилар. Уша кишидан бошланган шажарамизнинг 44-авлоди Сайид Файзуллохўжа — менинг отам бўладилар. 45-авлод эса мен, 46-авлод фарзандларим Фариза, Бируний, Алишер, 47-авлодларнинг каттаси бу йил ўрта мактабни олтин нишон билан битириб, олий ўқув юртига кирган набирам Камолахон бўладилар. Шайх Зайниддин бобонинг, хуллас 50 авлодининг шажараси бор. Бу 1200 йил деган гап.

— Ҳар бир кишининг ўз муайян тарихи бор дединглз, 1200 йил тарихимизнинг айрим саҳифалари ҳамдир, домлажон...

— Бу борада ҳақ гапни айтдингиз. Ўн бешинчи авлод Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон, яъни «орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси» бўлган бобомизнинг падари бузруквори — 14-авлод Шайх Шаҳобиддинга эътибор бердингизми?

— Ҳа, у табаррук зот ҳақидаги маълумотни ҳазрати Навоий асарларидан топибсиз...

— Бу тўғри гап. Абу Нажиб Сўхравардий ҳам Навоий асарларида тилга олинади. Лекин у аллома Шайх Яҳё Шаҳобиддин Сўхравардийга эмас, балки бошқа — Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сўхравардий (1144—1234) билан амаки-жиян эканлар. Шайх Шаҳобиддин Яҳё Сўхравардий эса сўфизмда ишроқ фалсафасининг етакчиси эди. Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сўхравардий ўз амакиси Абу Нажиб Сўхравардий (1097—1168) таъсирида сўхравардийна фалсафасига асос солган ва уни ривожлантирган. Биз форс-араб-ўзбек тилларида ёзиб қолдирилган тўртта шажара ҳужжатларини тадқиқ қилиш натижасида Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сўхравардий Тошкентдаги Шайх Зайниддиннинг отаси бўлади, деган хулосага келдик.

Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сўхравардийнинг Шарқ фалсафасида тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот берамиз.

* *Сиз кутган учрашув*



НАВОИЙ НАЗАРИ ТУШГАН ШАЙХ ШАЖАРАСИ

Инглиз шарқшуноси Д. С. Триминғэм (1904—1987) машҳур суфизмшунос олим эди. У бундай деб ёзади: «Сўхравардийна фалсафасининг асосчиси Зиёвиддин Абу Нажиб Сўхравардийнинг (1907—1168) жияни Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сўхравардийдир (539/1144—632/1234)... У буюк шайх — устоз бўлган. У ўзининг шогирдлари ва «Аворифал-маориф» рисоласи орқали барча сўфийлик арбобларига ҳануз таъсир кўрсатиб келмоқда... Сўфийлар дунёнинг ҳамма томонларидан ўрганиш учун унинг олдига келишган... Буюк форс шоири Саъди Шерозий (1208—1292) Бағдодда Шаҳобиддин таъсирида бўлган... Кейинроқ сўфийликнинг ҳамма мазҳаблари вакиллари сўхравардиййага яқинлашди... Уларнинг ичида Нуриддин Абусамад Натонзий, Абдураззоқ ал-Кошоний ва Саййид бин Абдуллоҳ ал-Фарғоний (700/ 300 йилда вафот этган) кабилар бор эди».

Замонамизнинг яна бир сўхравардийшуносларидан бири эрон олими Абдулҳусайн Зарринқубнинг асари яқинда Тожикистонда нашр этилди. Бу ерда Абу Ҳафс мусулмон мамлакатларида Шайх-ул-ислом номи билан эъзозланганлиги баён этилади.

Хулоса сўзимиз Алишер Навоийнинг Сўхравардийлар ҳақидаги муборак фикрлари оиламиз тарихий шажарасини қайта кўриб чиқишимизга туртки бўлди. Хусусан, тарихда «Абу Ҳафсдан олдин яна 13 аждод-авлод поғоналари бор» дейилгани кўп нарсага ойдинлик киритди. У энди юқорида келтирганим 44 эмас, 50 авлодники десак дуруст бўлади. Ушанда Шайх Зайниддин бобонинг 50 авлоди шажараси бор (албатта, биз билан) дейишимиз тўғри бўлади.

— Шажара авлодлари орасида таниқли кишилар кўп бўлса керак!

— Бир-иккитасини айтиб ўтай. «Темурнома» номли ажойиб китоб муаллифи Сайид Салоҳиддин Хўжа ибн Сайид Алоиддинхўжа Тошкандий — 42-авлоддан, машҳур шоир Хислат — 43, Ҳамид Сулаймон —44-авлоддандирлар.

— Боя шажара ҳар бир авлодда бўлиши керак дедик. Шу хусусдаги сўзимизни давом эттирсак...

— Бажонидил. Шажара тузиш аслида қийин иш эмас. Тарихимиздан маълумки, аждодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни авлодларга қолдирганлар, улар эса тўлдириб борганлар. Демак, шажара тузишга киришган ҳамшаҳарларимиз, ўз шажараларини газета таҳририятига йўлласалар, биз синчиклаб кўриб чиқиб, уларга зарур маслаҳатлар, ёрдамлар берардик, йўл-йўриқ кўрсатардик. Зероки, шундай йўл билан республикамиз фанида шажарашуносликка асос солинса, бора-бора шажарашунослар жамияти тузилса ҳам ажаб эмас.

— Эшитишимча, шажарашунослик хорижлаги кўпгина мамлакатларда алоҳида фан сифатида ўрганилар экан-ку!!

— Чиндан ҳам шундай. Бу фан генеалогия деб аталади. Шажара билан қанча кўп одамлар шуғулланса, генеалогиянинг бизда қарор топиши шунча тезлашади.

Шажара, тарих, кўзгу. Бу учала сўзни бир-биридан ажратиб бўлмаса керак. Келинг, азиз ҳамшаҳарлар, Омонулла Сайид Файзуллахўжа ўғилларидан ибрат олиб, ўз шажарамизни яратайлик. Демак, мулоқотимиз давом этади, хатларингизни кутамиз, «Оқшом»нинг азиз муштарийлари!

Суҳбатдош
Темур УБАЙДУЛЛО.

СУРАТЛАРДА: Омонулла Файзулла ўғли Шайхзайниддинзода; шу оила шажарасидан кўчирилган суратлар.

Андрей Пишненко суратлари.





⊙ Дунёда энг катта ярим орол Арабистон ярим оролидир. Унинг умумий майдони 300.000 квадрат-километрдан иборат.

⊙ Бразилиядаги Амазонка дарёси дунёдаги энг сершув дарё ҳисобланади. Ундан йилига 3787 куб километр, секундига эса 120.000 кубометр сув оқиб ўтади.

⊙ Дунёдаги энг митти давлат Франция билан Италия ўртасида жойлашган Монако князлигидир. Унинг майдони 1,5 квадрат километр бўлиб, аҳолиси 20 минг кишидан иборат. Монако давлатининг 12 аскар ва бир полковникдан ташкил топган мунтазам армияси бор.

⊙ Ҳамма томонидан Италия билан чегарадош Сан-Марино Республикаси ҳам митти давлатлардан ҳисобланади. Майдони 61 квадрат километр бўлиб, аҳолиси 13 минг кишидан ташкил топган. Сан-Марино ўзининг савдо флотига эга. пароходлари Италия портларида туради.

⊙ Франция билан Испания чегарасида Андорра деган республика жойлашган. Митти давлатлар ичида энг йириги бўлган бу давлатнинг майдони 452 километр, аҳолисининг сони атиги етти минг кишидир.

⊙ Ўрта Ер денгизидан Атлантика океанига чиқиш жойида, Испаниянинг жанубий қисмида Гибралтар мамлакати мавжуд. Бу митти ўлка бўлиб, унинг майдони бор-йўғи 6 квадрат километрни ташкил қилади. Унда 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ
тўплаган.

* *Ҳар соҳадан бир шингил*

СОЧ ВА ФИКРЛАР

СЎНГГИ йилларда кишининг ақлий қобилиятини аниқлаш учун турли тестлардан фойдаланиш расм бўлмоқда. Лекин бир америкалик профессор, тестларсиз ҳам иш кўриш мумкин, бунинг учун текширилаётган кишининг сочини таҳлил қилиш кифоя, деб ҳисоблайди. Олим турли рангдаги 800 дан ортиқ зулфу кокил ва соч толаларини текшириб кўриб, аниқ бир хулосага келди. Унинг фикрича, ақлий ривожланиш қобилияти билан сочнинг кимёвий таркиби орасида ўзаро боғланиш бор экан. Хусусан, олимнинг таъкидлашича, кўп фикрловчи одамлар сочида рух ва мис миқдори уларнинг ақлий жиҳатдан орқада қолган тенгдошларинникига нисбатан анча кўпдир.

ГАПДОН ТЎТИ

ҲАММА тан олган гапдон тўти—Жако. Унинг патлари оч кулранг, думи оч қизил. Дарров танийсиз. Чунки бironта тўти унга ўхшамайди. Жако юздан ортиқ сўз ва иборани эслаб қола олади, кўп сўзларнинг маъносини тушуниб айтаётгандек кўринади. Масалан, «Хайрли тонг», «Кўришгунча хайр», телефон жиринглаганда «Алло!» дейди. Жако баъзи сўзларни ўн йиллаб, ҳатто бундан ҳам кўпроқ вақт унутмайди. У узоқ вақт сўзламаса-да, бир неча ўн йилдан кейин бирданига ҳаммасини эсига туширади. Бу ноёб қуш Африкада—унинг ғарбидаги Гвинея ва Ангола шарқидаги Буюк кўлларгача бўлган ўрмонларда яшайди.

ЮРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛГАНДА

КРИСТИАН Бернарднинг бажарган юрак аллотрансплантацияси тиббиёт оламида кўпдан-кўп шов-шувларга сабабчи бўлди. Шундан кейин юрак операцияси «эпидемияси» бошланиб кетди, десак хато бўлмаса керак. Америкалик жарроҳ Кули, Шамуэй, Лоуэрлар бу операцияни кенг қўллай бошладилар ва 1968 йил 6 декабрга келиб уларнинг сони юздан ошиб кетди. Ана шу операциялардан сўнг бегона кишининг юраги билан икки киши олти ой, 24 киши 3 ойдан ортиқроқ яшади. Уларнинг «оқсоқоли» Блайберг ўша пайтда 11 ой яшаётган эди. Жарроҳларнинг фикрича, кўчириб ўтказилаётган юракнинг вазни ва ҳажми беморникига тўғри келиши лозим. Чунки янги ўтказилган юрак организмнинг қонга бўлган эҳтиёжини қондира олиши зарур.

Самад ШОДМОНОВ тайёрлади.

* *Овчи ён дафтаридан*

БЎРИ ЗАРАРЛИМИ ЁКИ ФОЙДАЛИ?

АСЛИДА бундай савол бериш нотўғри, чунки кўпгина ҳайвонлар бир вақтнинг ўзида ҳам фойдали, ҳам зарарли бўлиши мумкин. Уй ҳайвонларига ҳужум қиладиган бўри одамларга зиён етказади, албатта. Худди мана шу бўри ўрмонда, саҳрода кўпинча нимжон, касалманд бўлиб қолган ҳайвонларга ҳужум қилади, чунки бундай ҳайвонларни тутиб олиш осонда! Касал ҳайвонларни қириши натижасида бўри ўрмонга ва унда яшайдиган жониворларга фойда келтиради. Уни мана шу «хизматлари» учун табиат «санитари» деб аташади. Кўл ва дарёларда эса санитар вазифаси чўртон балиққа юкланган.

Бироқ, бўрилар фақат касалманд ҳайвонларгагина ҳужум қилмайди, балки эҳтиётсизлик, эпчиллик, айёрлик етишмайдиган, подадан қолиб кетган ёки ҳали кучга тўлмаган ёввойи ҳайвонлар ҳам унинг ўлжасига айланади. Қўриниб турибдики, бўрилар ов қиладиган ўрмонда, асосан эпчил, чаққон, кучли ва айёр ҳайвон ва қушлар учрайди. Яъни булар ҳаммаси бўри ва тулкилар «имтиҳони»дан ўтганлар қолади.

Бўрининг табиатга келтирадиган яна бир фойдали томони бор. Агар ўрмонда ҳайвон ва қушлар кўпайиб кетса, уларга овқат етмай қолади, натижада улар оч қолади, нимжон бўлиб ўсади, касал бўла бошлайди. Бўри нимжон қуш ва ҳайвонларни қирар экан, шу билан бирга бошқа жониворларни очлик ва касалликларга чалинишларидан «қутқаргандек» бўлади. Мана шунинг учун бўрини ёввойи ҳайвонларнинг қоровул-чўпони, десак ҳам бўлади: чунки у ўзича ҳайвон ва қушларнинг кучли ҳамда соғлом бўлиб ўсишини «кузатиб» юради. Савол туғилади, нима қилиш керак? Бўриларни қириб ташлаш керакми ёки уни ҳимояга олиш зарурми? Бўрилар кўпайиб қўй, сигир ва бошқа уй ҳайвонларига зарар етказадиган бўриларни назоратга олиш, камайтириш керак.

Худди шу сабабдан Далварзин овчи хўжалигига бўри овлашга жўнадик. Бирикки кун олдин хўжалик эгаси Мўмин акани сут ва қаймоқ билан таъминлайдиган говмиш сигирини бўрилар тинчитиб кетишган экан. Сирдарё орол ва ярим оролларга бой. Бунақа жойлар бўриларга жуда қулай. Чангалзор ва тўқайзорлар кўп. Кундузларини тўқайзорларда ўтказиб, кечалари овга чиқиб, атрофдаги қишлоқ ва ферма молларига ҳужум қилиб, анча зарар етказишибди.

Мўмин аканинг сигирини тинчитган бўриларни овлаш ниятида 12 та шаҳарлик овчи «жазо отряди» сифатида етиб келдик. Саҳарда туриб бўри бекинган ярим оролнинг икки томонига 2 километрлик ип тортиб, ипнинг ҳар бир метрига қизил латтачалар бойлаб чиқдик — бўрилар қизил латтани оловга ўхшатиб яқинлашмайди. Бўриларнинг тахминан чиқадиган томонига ҳар 150-200 метр жойга овчиларни пистирмага жойлаштирдик. Кейин соат 12 ларда ярим оролнинг бошидан хўжалик хизматчилари ўғиллари билан чилдирма чалиб, шовқин-сурон кўтариб биз томон юра бошлашди. Мен ҳам ўзимга теккан жойда қўшотаримни шайлаб, жойимда мудраб ухлаб қолибман. Бир вақт қулоғимга оғир нафас олиб, ҳансираб, қуруқ ўтларни шитирлатиб келаётган овозни эшитиб, уйғониб кетдим.

Кўзимни очсам, шундоққина олдимда бир катта бўри юрибди. Тикка туриб отмоқчи бўлиб, турмоқчи эдим, аммо жойимдан қимирлай олмадим. Ухлаганимда оёқларим увушиб қолган экан. Енбошлаган қўйи иккала тепкини ҳам босиб юбордим: орқа сонига теккан экан, бошини эгиб, яра бўлган жойини тишлай бошлади. Шундан фойдаланиб яна қўшотарни ўқлаб отишга улгурдим. Жойида йиқилди.

Ўзи ҳам анча йиригидан экан, тарозига солганимизда 80 килодан ортиқ чиқди. Ўлжамизнинг терисини шилиб олишдан олдин бир оёғимизни бўрининг қорнига қўйиб эсдалик учун расмга ҳам тушдик: ҳа бир оиланинг сут, қаймоғидан айирган текинхўр бўрининг жазоси бу!

Гофур ЖЎРАЕВ.

* *Ранг-баранг олам*

МОСКВА. Яқинда Кичик театрнинг катта ўрдасида Ф. М. Достоевскийнинг «Аканинг туши» асари асосида саҳна асари яратилди.

СУРАТДА: саҳнада театр. Князь ролида — Россия халқ артисти Э. Е. Марцевич.

ТАСС. В. Соболев сурати.

* * *

Тасодифни қаранг-а! Перулик балиқчиларнинг омадлари чопгандан-чопди. Улар яқинда Чиклайо шаҳри яқинидаги қирғоқдан жуда катта — ўн метрлик акула тутиб олишди. «Ўлжа»нинг оғирлиги уч ярим тонна чиқди.

Рейтер — ТАСС.

БАШОРАТ ҚИЛИНГАН ҲАЛОКАТ

1912 ЙИЛ 14 апрелда, кеч оқшомда рўй берган фожиа инсониятнинг хотирасидан мутлақо ўчмаса керак. Шу куни жаҳондаги энг улкан кема «Титаник» сузувчи муз тоғи билан тўқнашиб 1500 йўловчиси билан Ньюфаунд Ленд ороли яқинида уммон тубига чўкиб кетган эди. Ушбу даҳшатли денгиз ҳалокатининг сирларини аниқлаш ҳали ҳам давом этмоқда. Турли касб эгалари турли тахминларни баён қилишди. Улар орасида фақат адабиётчилар йўқ эди, холос. Яқинда Скандинавия давлатлари аро чиқадиган «ЭКС» журнали бу бўшлиқни тўлдирди.

Маълум бўлишича, 1898 йилда АҚШда Морган Робертсоннинг «Изчиллик» деган қиссаси босилиб чиққан экан. Унда муаллиф кўзда тутган тасаврлашича йўловчилар жуда улкан, мисли кўрилмаган «Титан» номли кемада дунё бўйлаб сафарга чиқадилар. Бу «Титан»нинг ҳам худди «Титаник» каби Англиядан янги дунё сари илк сафари бўлади. У ҳам, муаллиф таъкидлашича, соатига 25 узел тезлик билан сузади. Икки кеманинг ўхшаши бу билан тугамайди. Сира ҳам чўкмайди деб эълон қилинган «Титан» айнан ўнг ёнбоши (борти) билан муз тоғига урилади. Кема экипажи вақимага тушади. Йўловчиларни қутқариш, шлюпкаларни сувга туширш ўрнига эсанкираб қолишади ва «Титан», мингдан зиёд одами билан худди «Титаник» ғарқ бўлган жойда чўкиб кетади.

«Титаник»ни денгиз тўлқинларини ютиб юборганидан 23 йил ўтгач яна бир ўхшашлик барчанинг диққатини ўзига тортди. 1935 йилда Вильям Ривз капитанлик қилган Британиянинг юк кемаси ҳам муз тоғларига йўлиқди. Капитан кемани мўъжиза билан қутқариб қолди. Лекин муз тоғлари унинг ўнг ёнбошини пачоқлашга улгуришди. Ҳодиса, албатта, унутилиб кетиши мумкин эди. Лекин ўртада икки ҳолат борлиги сабаб у ҳам тарихда қолди: аввало Ривз бошқарган кема «Титаник» деб номланган, иккинчидан уддабурон капитан 1912 йил 14 апрелда туғилган экан!

Энди бенхтнёр бир савол туғилади: «Титаник»нинг ҳалокати башорат қилинган тасодифми?

Васила ЗАЙНУТДИНОВА
тайёрлаган.

* *Бу—қизиқ*

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 7. IX

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Филча ва мактуб», «Маҳмадона». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ишбилармон кишилар».
19.50 М. Қорнев. «Бир кеча достони». Теленовелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
22.00 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Электромагнит индукцияси.
11.00 «Кукурегу». Телефильм.
11.30 Жуғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистон рельефининг асосий шакллари.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Маърифат фидойилари».
20.55 Кичик концерт.
21.15 «Лаҳза». Хабарлар.
21.25 «Азизим, меҳрибоним онам...». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 17.20, 20.20, 23.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Биринчи қон чиққунча». Бадиий фильм.
9.43 «Цирк майдонида қўтослар». Фильм-концерт.
10.20 Мультфильмлар: «Тулкилар қандай қилиб товуқлар билан дўстлашди», «Ксюша ва Компьюша ҳақида».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Бахтли тасодиф».
12.20 «Умид аргументлари».

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.35 «Телемикст».
15.20 «Ён дафтар».
15.25 «Уолт Дисней таништиради...».
16.15 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали МДҲ мамлакатлари ягона ахборот маконини тузишга бағишланган программани таништиради.
17.55 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 6-кўрсатув.
18.20 «НЭП».
18.45 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектакль премьераси.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уник-энди».
20.40 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектаклнинг давоми.
«Янги студия» таништиради
21.10 «Бомонд».
21.25 «Федерико каталоги». Кўрсатув кинематографияда шахснинг роли ҳақида.
21.45 «Бироқ».
22.00 «ТУ-галерея».
22.30 «Вазият», «Оққуш».
23.00 Янгиликлар
23.25 «Қалбим». Телефильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Оқ қарға».
8.35 «Ҳали англанмаган қонот».
9.20 Сиёсатшунос билан интервью. Ги Сорман. (Франция).
9.30 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Резидент Рихард Зорге». 1 ва 2-серилар.
10.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
11.10 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Кундузги сеанс. «Кемадагилар, эшитяпсизми?». Бадиий фильм.

* * *

14.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
15.30 «Учинчи фаришта».
16.00 Янгиликлар.
16.15 Трансросэфир. «Ҳар ким ўзи учун танлайди...».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Омад».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Осиё тароналари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Душанба кунги детектив. «Бугуннинг аёли». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.02 Хабарлар.
21.20 «Эҳ, қўшнисни тушмагурлар».
21.45 «Хонанда».
22.15 «Турнинет». Мусобақалар.

Сешанба, 8. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Уйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
8.15 «Севги сароблари». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топчумба». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қонун барчага баробар».
19.50 «Кабутарим» «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.00 Эстрада концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Унутилмас сатрлар». Ҳўжа Аҳмад Яссавий.
22.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Информатика. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ҳақида умумий тушунчалар.
11.00 «Меҳр излаб». Телефильм.
11.30 Кимё. Электролитлар.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Субҳидам».
19.30 «Қалбларга илиқлик бағишловчи уй».
19.50 «Шарқ лирикаси».
20.15 Долзарб мавзуларда суҳбат.
20.35 Мусиқий дақиқлар.
21.05 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 23.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Ўт қўювчи». Телевизион фильм-спектакль.
10.35 Футбол шарҳи.
11.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Ён дафтар».
14.45 И. С. Бах. «Бранденбург концерти». «Виртуози Москва» камер оркестри ижро этади.
15.00 «Уолт Дисней таништиради...».
15.50 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Роботлар мусобақаси».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Сочма олтин конлари» кўрсатувини таништиради (Беларусь).
17.50 Футбол шарҳи.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасионал» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.00 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.20 «Қора қути». «Ядро қуролининг сири». I-кўрсатув.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Е. Смолянинова ижросида қадимий рус романслари ва қўшиқлари.
8.25 «Уз-ўзингга режиссёр».
8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олялпман».
9.10 Кундузги сеанс. «Нозик оҳулар ўлими». Бадиий фильм.
10.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.00 Телебиржа.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

* * *

14.35 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
15.05 Мульти-пульти: «Агар мен дадамнинг ўрнида бўлганимда».
15.15 «Рост» студияси. «Артзона».
15.45 Янгиликлар.
16.00 «Асил ҳолича».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Беҳаловат онла».
18.30 «Бир томчи сув учун». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».
20.05 «Фосфор ҳалқаси».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Сокинлик оламига саёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Контейль».
22.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 9. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ботир Зокиров». Фильм-концерт.
8.05 «Ўзбекистон спорти». Таэквондо бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаси олдидан.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Соябон — менинг ҳамроҳим», «Зангори филча». Мультфильмлар.
18.30 «Деҳқон хўжаликларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Адабиёт элчилари».
19.55 «Дирижёр ҳикоя қилади».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Истиқлол йўли». Видеофильм.
21.50 «Чақноқ юлдузлар». Киноконцерт.
22.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Ботаника. Усимликларнинг табиатдаги аҳамияти.
11.00 «Шоирлар ҳиёбони». Телефильм.
11.35 «Қалдирғочлар баҳорда учиб келади». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Рақслар, рақслар..».
20.30 «Ишбилармонлар».
21.10 «Нормандия-Неман». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 16.55, 20.20, 23.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Янги авлод танлайди».
10.40 А. Хачатурян. М. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзилган мусиқадан сюита.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништирада...».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.15 «Космик марафон».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «Око» студияси таништиради.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Катта сайл». Телевидение оламида 60 дақиқа.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасионал» канали таништиради. «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.05 «Қора қути». «Ядро қуролининг сири». 2-кўрсатув.
22.45 Л. Власенко чалади (фортепиано).
23.00 Янгиликлар.
23.25 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Японияннинг спорт анъаналари».
00.15 «Париж — Москва— Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Асил ҳолича».
8.55 «Сиз яратган боғ».
9.25 Россиянинг телевизион театри. С. Коковкин. «Еннмга кел». Телеспектакль.
10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 71-серия.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 «Калит» кўрсатуви.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 «Арт-бизнес».

* * *

14.30 «Кузнрхонним».
15.00 «Вариацияли мавзу». Гитарачи Анатолий Болотов чалади.
15.30 Христианлар учун кўрсатув.
16.00 Янгиликлар.
16.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара».
18.30 «Турк оламн».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Айвон».
20.10 «Қайноналар».
21.00 Хабарлар.
21.20 Мусобақа.

Пайшанба, 10. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Уйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Танбур». «Ўзкинохроника» премьераси.
8.05 «Пўлат ва Баҳор». Бадиий фильм.
9.20 Камер куйларидан концерт.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичик дўстларимиз саргузашти». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл тинчлиги йўлида».
19.55 «Тилга эътибор...».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Нодира лирикаси». Шоира таваллудининг 200 йиллиги олдидан.
22.20 Футбол. Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Навбаҳор» (Наманган). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. (ёзиб олинган).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Биология. Биология фанининг ривожланишига Беруний ва Ибн Синоларнинг қўшган ҳиссалари.
11.00 «Мусиқа дарси». Телефильм.
11.30 Ўзбек халқи тарихи.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс».
21.30 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 22.55— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Космик марафон».
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.25 «Числосиз кун». Телевизион бадиий фильм.
12.55 «Кўршапалак». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.20 Бизнинг мусиқий клубимиз. «Буратино таклиф этади». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Қизча ва масхарабоз». Мультфильм.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 Фондаги суврат. «Грузия: август — сентябрь».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Европа плюс... ва плюс... ва плюс...». Телевизион бадиий фильм премьераси [«Союзтелефильм» ҳамда «Театр» ижодий ишлаб чиқариш фирмаси].
21.35 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Яланғоч қолганлар байрами».
22.20 Л. Штанько куйлайди.
23.00 Янгиликлар.
23.20 «Олтин Европа» фестивали.
23.50 Хоккей. Лига кубоги. «Динамо» (Москва) — МАСК. 2

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Сиёсатдонлар. А. Собчак.
8.30 Рақс марафони. Бал рақслари танлови. Европа программаси.
9.15 «Кечки салон» — эрталабни эфирда.
10.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
11.05 В. Степанов рус қўшиқларини ва романсларини куйлайди.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 72-серия.

* * *

14.25 «Россия — Япония: ҳамкорлик йўллари».
14.55 «Пилигрим».
15.55 Янгиликлар.
16.10 Кичик мусиқий кечалар. «Вертинскийни хотирлаб».
16.40 Эълонлар.
16.45 «Келинг, аниқлаб олайлик».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.
20.10 «Катта опа». Видеофильм.
20.55 Манзарали фильм.
21.00 Хабарлар.
21.20 Спорт.
21.50 «Бизнинг қўлларимиз».

Жума, 11. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Хотира билан суҳбатлар». Телефильм.
8.00 «Огарёв кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм.
9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ором» чечаклари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.50 Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов қўшиқлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.15 «Ойдин кечалар». Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Армон». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ
17.05 «Насиба». Фильм-концерт.
17.45 Уқитувчилар клуби.
18.25 «Хатларингиз асосида».
19.05 «Анна пенди».
19.15 «Иқтисодиёт ва ҳаёт» (рус тилида).
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Эдеп».
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан» ахборот кўрсатуви.
21.45 Кулги кечаси.
22.15 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
9.50 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм.
10.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Будулайнинг қайтиши». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.25 «Онла». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.50 «Кўршапалак». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивалида. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.20 «Марказ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Максима».
17.55 «Инсон ва қонун».
18.25 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 9-серия.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Детективлар клуби»да «Ҳеч қачон «Ҳеч қачон» деб айтма» америка бадиий фильми.
22.45 «Оқ капалак», «Сўзсиз воқеа». Катталар учун мультфильмлар.
23.00 Янгиликлар.
«ВИД» таништиради:
23.20 «Музобоз».
24.00 «Ҳордиқ чиқаринг».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 Уз ишининг усталари. «Самойловнинг табассуми».
9.30 «М-трест».
9.45 «Россия учун мўътабар кунда...». Бородино жангининг 180 йиллигига бағишланган кўрсатув.
10.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 73-серия.
11.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
12.20 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.25 Телебиржа.
14.55 «Танаффус». Валерий Агафонов куйлайди.
15.10 «Ўхшаш дунёлар».
15.55 Янгиликлар.
16.10 «Жаноблар-ўртоқлар».
16.25 «Кичкинтой тили билан».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 «Уолт Дисней санъати».
19.15 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Концерт.
20.00 «Елгизлар». Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «К-2» кинозали. «Интервенция». Бадиий фильм.
23.10 «Аммо, лекин...».
23.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.10 Спорт хабарлари.

Шанба, 12. IX

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
9.20 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яккахони Мурод Соҳибов концерти.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга».
10.25 «Олам кўрки сиз билан». Публицистик кўрсатув.
11.25 «Ёшлик базми».
11.55 «Учрашув». Адабий кўрсатув.

* * *

18.00 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мулоҳаза». Адабий асарлар — экранда.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Зебо, Знёда ўйнар». Фильм-концерт.
21.30 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 «Тараддуд». XI халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ
11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.55 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 1-серия (рус тилида).
13.00 «Оба дурмуши». «Ҳосил-92».

* * *

17.05 «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» (рус тилида).
17.45 «Ғунча».
18.30 «Ашиқ айдин замнинда байрам».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Осиё овози». Концерт.
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан» ахборот кўрсатуви.
21.45 «Едиген». Адабий кўрсатув.
22.45 Телекранда биринчи марта. «Болалик қасамёди». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.40, 20.20, 22.55— Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спорт-имконият».
8.00 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
8.15 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
8.40 «Бумеранг».
9.10 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.40 Тиббиёт сиз учун.
10.20 «Қойил».
11.20 «Останкино» концерт студиясида ёзувчи Э. Лимонов билан учрашув.
12.20 Экологик хроника.
12.35 Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги. МАСК (Москва) — «Комадор» (Голландия).
13.05 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Одам баданн: янги ҳаётнинг туғилиши».
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Сиз бунга қодирсиз».
15.00 «Иккинчи воқелик». Телефильм премьераси. 2-фильм — «Ороллар».
16.05 Болалар ва ўсмирлар учун телевизион кўрсатувлар III халқаро фестивали. Жанубий Сахалиндан кўрсатилади.
16.25 «Сахий ўрмон». Мультфильм.
16.40 «Қизил квадрат».
17.20 «Хайвонот оламида».
18.00 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм. 4-серия.
18.25 «Нобуд бўлган альпинист» ёнидаги меҳмонхона». Бадиий фильм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Брэйн-ринг».
21.25 «Бу ўтли рақс».
22.20 «Граф харобаларидаги монологлар». Телефильм.
22.50 П. И. Чайковский. «Славянча марш». Россия миллий симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — М. Плетнев.
23.00 Янгиликлар.
23.20 Қўшиқчи Игорь Тальков хотирасига бағишланган кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Ибодатхона томон йўл».
8.00 Спорт оламн «Жиллетт» фирмаси ингоҳи билан.
8.30 «03» кўрсатуви.
9.00 А. Битов ва М. Жванецкий —М. Зощенко ҳақида.

*

10.00—13.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ «Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Бизнинг мирас» (татар тилида).
«Калейдоскоп».
«Дўстлар даврасида».

*

13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 Кундузги сеанс. «Афсунгарларни ўғирлаш». Бадиий фильм.
15.40 «Бурда моден» тақлиф этади.
16.10 «Винил чангалзорларида».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.40 Концерт.
17.30 Хабарлар.
17.45 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.05 Ойнаи жаҳонда — премьера. «Хануссен». Бадиий фильм (Венгрия, ГФР).
20.00 «Келинг, аниқлаб олайлик».
20.15 «А» программаси.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Жанр ижоди». Леонид Филатов.
22.55 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.

Якшанба, 13. IX

● УзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мно болагинам, Мно». Бадиий фильм.
10.10 «Ўзбекистон спорти».
10.40 «Элга хизмат — олий ҳиммат».
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
12.10 Халқ севган достонлар. Бола бахши ижросида «Бозирғон» достони.

* * *

18.00 «Басат — паҳлавон». Мультфильм.
18.30 «Футбол майдонларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Катталар учун мультфильм.
19.40 «Шодиёна таралган оқшом». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Олтин остона». Бадиий кўрсатув.
22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қадрдон қирғоқлар». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ
11.00 Янгиликлар.
11.10 Мультфильмлар тўплами.
11.45 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 2-серия (рус тилида).
13.00 «Туркмен сесн». Тележурнал.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
19.05 «Истеъдодли ҳўтик». Мультфильм.
19.15 «Кўхитанг». Телефильм.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Сибизги». Мусиқий журнал.
20.35 «Новники» киноклуби (рус тилида).
21.55 «Ир десте».

● «ОРБИТА IV»

5.15, 13.55, 20.55 — Кўрсатувлар тартиби.
5.20 Руҳни чиниқтириш.
6.20 «Спортлото» тиражи.
6.35 «Қизил томоқ». Мультфильм.
6.55 Янгиликлар.
7.30 Болгария фольклор жамоаларининг концерти.
8.00 Эрта саҳарлаб. «Глэдер онласининг саргузашти». Кўп серияли мультфильм премьераси [Франция].
8.30 Япония телевидениесининг кўрсатувлари. «Кордаги олмалар».
9.00 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
9.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
10.00 «Тонг юлдузи».
10.50 «Марафон-15».
11.40 Киноҳақиқатми! «Кубань казаклари». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.15 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Телелоция».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Уолт Дисней таништиради...».
17.50 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.05 Я. Сибелиус. «Гамгин вальс».
18.15 «Панорама». Ҳафтални халқаро кўрсатув.
Якшанба кинокўрсатуви
18.55 Кино янгиликлари.
19.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Болалар» бадиий фильми. [«Мир» кинофирмаси].
21.00 «Якунлар».
21.45 «Цунами». Н. Задорнов романлари асосида бадиий-публицистик фильм. Кўрсатувни М. Задорнов олиб боради.
22.45 Халқ куйлари.
23.00 Янгиликлар.
23.15 «Парнж — Москва —Пекин» автораллиси.
23.45 «Монро ва Мадонна».
00.45 «Мюнхгаузен клуби». Дам олиш кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Чашмалар».
8.00 «Хоҳ ишонинг...».
8.30 Теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионати.
9.50 «Кироллидаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.

*

10.15—12.50
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ «Рангинкамон» (тожик тилида).
«Манбалар».
«Интерспорт».
«Ҳамкорлик».
«Сизни қутлаймиз».

*

12.50 «Доразмон». Мультфильм премьераси (Япония). 1 ва 2-серияллар.
13.25 Россиянинг телевизион театри. Л. Пантелеев. «Аминмаҳмад».
14.30 Спорт кўрсатуви.
14.55 Стас Намин маркази (Эсэн-см) таништиради: «Сариқ сув ости қайиғи» клуби».
15.25 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Декамерон туналари». Бадиий фильм.
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк енгил мусиқаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Юзма-юз».
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 Мусиқа нечаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 Рақс марафони. Бал рақслари танлови. Лотин Америка рақслари программаси.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Пазар-92».
23.20 «Мавзу».
23.35 «Суврат».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 4 сентябрь сонидан олинди



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона —32-53-76,
хатлар — 33-29-70,
32-53-79;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42,32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.00. ■ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10